

## Азон айтаётиб омонатини топширди



14:30 / 20.11.2018 4690

58 ёшли Машиш Челиктоз Мавлид кечасини ўтказиб, хуфтон намозига азон айта туриб омонатини топширди, дея хабар беради [haber7.com](http://haber7.com) сайти. Воқеа 19 ноябрь куни Туркиянинг Дарабозор шаҳарчасида рўй берган. Машиш Челиктоз хуфтон намозига азон айтаётиб, ўзини яхши ҳис қилмаётганини айтади ва ташқарига чиқади. Азонни давом эттириш зарурлигини бот-бот таъкидлаган Челиктоз қўшнисининг ёрдами билан ерга ётқизилади ва шу билан боқий дунёга рихлат қилади. Гарчанд уни сақлаб қолиш учун тез ёрдам етиб келган бўлса-да, бунинг иложи бўлмаган.

*Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий саллалоҳу алайҳи вассалам:**

**“Инсон ниманинг устида вафот этса, ўша нарсанинг устида тирилади”.**

*Муслим ривоят қилган.*

Аллоҳ охиратини обод қилсин.

***Islom.uz портали таҳририяти***